



КУН РАҚАМИ

2025 йилда рақамли технологиялар ва сунъий гидрокака оид лойиҳаларга 1 миллиард доллар йўналтирилади.



TÚRKISTAN

janubiy.kz

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 2 октябрь, пайшанба, №105 (3606).

»» Президент

ЯНГИ ЙЎЛ – ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Kazinform. Қасим-Жўмарт Тўқаев “New Silk Way VII” Халқаро транспорт-логистика бизнес-анжуманининг очилиши билан табриклаб, тадбирнинг алоҳида аҳамиятини таъкидлади. Бу ҳақда Ақорда матбуот хизмати хабар берди.

– Бугун Қозоғистон транспорт-логистика тизимини ривожлантиришга алоҳида туртки берадиган “Достық – Мойынты” лойиҳасининг иккинчи босқичи ишга туширилмоқда. Тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, бундан ўттиз беш йил муқаддам “Достық – Алашанқай” лойиҳаси бошланган эди. Халқимизга Мақтубимда транспорт-логистика соҳаси иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, халқаро алоқаларни мустаҳкамловчи асосий омиллардан бири эканлигини алоҳида таъкидладим. Қозоғистон бу борада улкан имкониятларга эга. Буюк Ипак йўли Қозоғистон ва Ўрта Осиё орқали ўтган. Қозоқ замини азалдан Хитой ва Европа ўртасидаги олтин кўприк ҳисобланиб келган. Хитой бизнинг абадий, дўстона қўшнимиз ва ишончли иттифоқчимиз. Биз доим бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз. Икки халқ ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам дўстлик ва ўзаро ишонч-




ДАВЛАТ РАҲБАРИ
“ДОСТЫҚ – МОЙЫНТЫ”
ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ
ИККИНЧИ ЛИНИЯСИНИ
ИШГА ТУШИРДИ

га асосланган. Кўп соҳалардаги ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, “Бир белбоғ – бир йўл” дунёвий лойиҳасининг аҳамияти беқиёс. Биз ушбу лойиҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз ва уни амалга оширишда фаол иштирок эт-

моқдамиз. Чунки ушбу ташаббус мамлакатимиз манфаатларига тўла жавоб беради. “Достық – Мойынты” темир йўлининг иккинчи линияси бунинг ёрқин далилидир, – деди Президент.

Янги йўл юк ташиш ҳажмини беш баравар ошириш имконини

беради. Шунингдек, бу экспорт товарларини етказиб бериш муддатини қисқартиради ва транзит салоҳиятини мустаҳкамлайди. Натижада мамлакатимиз Евроосиёдаги асосий транзит ҳабларидан бирига айланади.



ҒАЙРАТИНГГА БАЛЛИ, ҒАЛЛАКОР!

Kazinform. Мамлакатимиз ғаллазорларида ўрим-йғим мавсуми давом этмоқда. Ғалла ва дуккакли дон экинларни йиғиб олиш учун мўлжалланган майдонлар 16 миллион гектардан ошади. Бу ҳақда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати хабар берди.

Бугунги кунга қадар 12 миллион гектар ёки умумий экин майдонларининг 74,9 фоизи ўриб олинди. Натижада 18,4 миллион тонна ғалла хирмони уюлди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан ғалла экинларидан ташқари, 1 миллион тонна мойбоп ўсимликлар, 2,1 миллион тонна картошка ҳосили 227,4 центнердан, сабзавот маҳсулотларидан 3 миллион тонна ҳосил етиштирилиб, гектардан 298,1 центнердан ҳосил олинди.

“Қозоғистон темир йўли” миллий компанияси маълумотларига кўра, жорий йилнинг 1-25 сентябрь кунлари ташилган дон 1 миллион тоннани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоизга ошган.

Таъкидлаш жоизки, кўшни давлатларга дон етказиб бериш ҳажми ортиб бормоқда: масалан, Ўзбекистонга 31 фоизга (250 минг тоннадан 327 минг тоннага), Тожикистонга 15 фоизга (116 минг тоннадан 133 минг тоннага), Қирғизистонга 4 баравар (6 минг тоннадан 25 минг тоннагача), Озарбайжонга 2 бараварга (12 минг тоннагача) оширилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлаш, экспорт йўналишларини кенгайтириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш доирасида мажмуавий чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Вилоятимизнинг пахтачилик соҳасида янги давр бошланди. Ўтрор тумани пахта майдонларида ҳосил етилди. “Алтын дала макта” МЧБ майдонларидаги 34 минг гектар пахта теримга тайёр.

Шу билан бирга вилоятда пахтачиликда халқаро ҳамкорлик кенгайилмоқда. Бундан ташқари, Туркистонда халқаро сармоявий лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров “Texhong Group” раҳбарлари билан учрашиб, ҳудудда пахта кластерини ривожлантириш ва йилга 300 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган замонавий заводлар барпо этиш режасини муҳокама қилди.

“Texhong Group” – дунёда тўқимачилик саноатида етакчи компаниялардан бири бўлиб, Хитой, Вьетнам, Туркия, Мексика ва Никарагуада ишлаб чиқариш базаларига эга.

Ҳозирда Туркистон вилоятида йилга 150 минг гектар пахта экилиб, тахминан 270 минг тонна маҳсулот етиштирилмоқда.

Маҳаллий пахта маҳсулоти маҳаллий корхоналарда қайта ишланади, шу орқали газлама, кийим-кечак ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Вилоятда 25та пахтани қайта ишлаш заводлари фаолият юритмоқда ва 2027 йилгача 5та тўқимачилик кластери ишга туширилади. Бу 14 минг янги иш ўрнини яратиш,

Юрт қудрати – далаларда



давлат бюджетига ҳар йили 26,2 миллиард тенге солиқ тушумларини таъминлаш, тоза ишлаб чиқариш ва янги касбий ўқув тизимларини йўлга қўйиш имконини беради.

Вилоятимизда пахтачилик кластери шаклланди. Бу – етиштирилган хомашё тўлиқ маҳаллий энгил саноат корхоналарида қайта ишланиши демакдир. Шу тарзда пахтадан саноат кластерига қадам қўйилмоқда. Деҳқонлар ва халқаро сармоядорлар ҳамкорлиги, замонавий технологиялар ва инфратузилма – янги иқтисодий босқичнинг асоси сифатида хизмат қилмоқда.

“Оқ олтин” минглаб аҳолини иш билан таъминлайдиган стратегик

тармоқ сифатида ривожланмоқда.

Минтақа раҳбари Нуралхан Кўшеров йигилишларда пахтачилик кластери лойиҳаларини жадаллаштиришни, сармоядорлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришни топширди. Шунингдек, сувни тежайдиган янги технологияларни кенг жорий этиш вазифаси қўйилди.

Айни пайтда Саврон, Ўрдабоши, Чордара, Мақтаарал ва Жетисай туманларида кластерга оид қатор корхоналар барпо этилмоқда. Жумладан, “Туран” маҳсус иқтисодий минтақаси ҳудудига Туркистон агросаноат мажмуасининг пахта заводи қурилиши бошланган. У ерда пахтани чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот экспорти йўлга

2 октябрь – Техник ва касбий, ўрта таълимдан кейинги билим ходимлари кун



2025 йил –
Ишчи
касблари
йили

КАСБИЙ ТАЪЛИМ – ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Юртимизда ҳар йили 2 октябрь кун мамлакат тараққиёти ва ёш авлод келажиги учун улкан аҳамиятга эга бўлган байрам – Техник ва касбий, ўрта таълимдан кейинги билим ходимлари кунни нишонланади.



Мазкур сана Ҳукумат қарори билан жорий этилган бўлиб, у мамлакатда касбий ва амалий билим бериш тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган ўқитувчилар, устоз-мураббийлар, маҳорат усталари ҳамда педагог кадрларга эътибор рамзи ҳисобланади. Бу байрам орқали давлат техник ва касбий таълим соҳасига бўлган эътиборини яна бир бор намоён этади.

Қозоғистонда техник ва касбий таълим тизими – иқтисодиётни юқори малакали мутахассислар билан таъминлашда муҳим ўрин тутати. Ҳозирги дунёвийлашув ва рақобат даврида ҳар бир ишчи касб эгаси, ҳар бир билим-юрти ёки коллеж битирувчиси мамлакат тараққиётида ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Шу боис, бу соҳа ходимлари – амалий кўникма бериш орқали ёшларни ҳаётга тайёрлаб, уларнинг келажакка ишонч билан қадам ташлашларига йўл очмоқда.

Бугун Қозоғистон касбий таълим тизимини халқаро андазаларга мослаштириш, дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибасини жорий этиш йўлида дадил қадам ташламоқда. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев ҳам ўз чиқишларида ёш авлодни рақамли иқтисодиёт, янги технологиялар ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнларига тайёрлаш муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб келмоқда.

Ишчи касблари йилида 2 октябрь – вилоятимизда фаолият юритаётган 700дан зиёд педагогларгагина эмас, балки бутун жамият учун муҳим сана. Чунки ҳар қандай ривожланган мамлакатнинг пойдевори билимли ва ҳунарли авлод ҳисобланади.

қўйилади. Ҳозирча 1,2 минг гектар майдонда Хитой технологияси асосида пахта экилиб, гектаридан 60 центнер ҳосил олиш имкони яратилди.

2025 йилда вилоят бўйича 135 минг гектар майдонга пахта экилди. Шундан 50 минг гектари замонавий, сув тежовчи усуллар орқали амалга оширилди.

Жетисай туманида ҳам пахтани қайта ишлашга оид йирик сармоявий лойиҳалар йўлга қўйилган. Хусусан, пахтани қайта ишлаш заводи, тўқимачилик фабрикаси, уруғчилик заводи қурилиши режалаштирилган.

Ўтрор туманида эса йирик пахтани қайта ишлаш кластери қапсуласи ўрнатилди. Бу ерда 4та завод барпо этилиб, йилга 160 минг тонна пахта қайта ишланади, 1500га яқин янги иш ўрни яратилади. Лойиҳада сувни 3-4 баравар тежайдиган замонавий технологиялар жорий этилади.

Шу билан бирга, Мақтааралдаги заводлар деҳқонлардан пахта қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнини йўлга қўйган.

Ана шу ишлар натижасида вилоятимиз пахта етиштириш, уни чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам республиканинг етакчи ҳудудига айланиши кутилмоқда.

А. АБДУФАТТОҲ.

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ – АМАЛИЁТГА

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров Қозоғистон Республикаси Миллий муҳандислик академияси президенти Бақитжан Жумагулов бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Сухбат давомида фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёнлари, минтақа иқтисодиётини ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими минтақанинг мавжуд салоҳияти

ҳақида маълумот бериб, бу жараёнларда олимлар ҳам салмоқли ҳисса қўшишлари зарурлигига тўхталди.

Академия президенти Бақитжан Жумагулов минтақада амалга оширилаётган ишларга ижобий баҳо бериб, ҳамкорликда ишлашга тайёрлигини айтди. Акаде-



миянинг Жануб минтақаси бўйича вице-президенти, филиал раиси Алимжан Қуртаев эса қазилма бойликлар ва ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмай, қишлоқ

хўжалигида ҳам қўшма таъаббусларни йўлга қўйиш мумкинлигини қайд этди.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

ТУРКИСТОНДА ТРИАТЛОН БЎЙИЧА ОСИЁ ОЧИҚ КУБОГИ ЎТДИ

Туркистон шаҳрида яқинда фойдаланишга топширилган эшак эшиш каналлида илк бор триатлон бўйича Осиё очик кубоги мусобақаси ўтказилди. Сузиш, велосипед ҳайдаш ва югуриш босқичларидан иборат мазкур нуфузли мусобақада Япония, Жанубий Корея, Германия, Чехия, Словакия, Қирғизистон каби илтирмага яқин спортчилар иштирок этди.



“Сара” тоифасида иштирокчилар 1,5 километр масофага сузиш, 40 чақирим велосипед ҳайдаш ҳамда 10 чақирим югуриш йўналишларида бахс олиб боришди.

Яқиний натижаларга кўра, эркаклар ўртасида бетараф байроқ остида иштирок этган спортчи Денис Колобродов ғолибликни қўлга киритди. Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган Дарин Кўнисбаев кумуш медалга, яна бир бетараф байроқ остида иштирок этган спортчи Роман Минеев бронза медали соҳиби

бўлди. Хотин-қизлар ўртасида эса бетараф байроқ остида иштирок этаётган спортчи Татьяна Баскакова биринчи ўринни эгаллади. Япониялик Минори Икено иккинчи, бетараф Алина Синевич учинчи ўринни қўлга киритди.

28 сентябрь кунин ўтган беллашувда касбий спортчилар ва ўсмирлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Беллашувни томоша қилиш учун АҚШдан триатлон бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Марк Аллен шахсан

ташриф буюрди. У Туркистонда барпо этилган эшак эшиш канали имкониятларини юқори баҳолади.

Вилоятимизда сув спорти турлари ривожланимқда. Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Ғалимжан Худияров вилоят марказидаги эшак эшиш мажмуасида яна йирик мусобақалар ўтказиш режалаштирилганини маълум қилди.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

»» Қозоғистон мустақиллигига – 34 йил

Аслида, кўп асрлик давлатчилик анъанасига эга, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган халқимиз тарихида 34 йиллик давр – бир лаҳза каби. Лекин шундай қисқа вақт ичида асрларга татигулик тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Қозоғистон деган муборак ном ўз қадрини топди.

Навқирон юртимизда тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилдиган, келгуси авлодларга ибрат бўлиб қоладиган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Тоғнинг чинакам маҳобати узоқдан кўринганидек, бу даврдаги ислохотларнинг аҳамияти ҳам йиллар ўтган сари янада ортиб боради.

Бироқ эришган ютуқларимиз қандай мураккаб курашлар эвазига қўлга киритилганини унутмаслигимиз керак. Халқимиз оғир синовларни, сиёсий тўфонларни, ижтимоий хавф-хатарларни сабр ва матонат билан енгди. Чунки тарих – халқни доимо бедорликка чорлайди, улугвор мақсадлар йўлида бирлаштиради.

МУСТАҚИЛЛИККА БУРИЛИШ НУҚТАСИ

1991 йил 16 декабрь – Қозоғистон мустақил давлат деб эълон қилинган улуг сана. Аммо тарихий жараёнлардан маълумки, мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўли 25 октябрдан бошланган эди. Ушбу кун ҳам давлатчилигимиз тарихидаги бурилиш нуқтаси сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

80-йилларнинг охиридаги “қайта қуриш” сиёсатидан кейин собиқ иттифоқда иқтисодий ва ижтимоий таназзул авж олди. Миллатлараро низолар келиб чиқди, қонли воқеалар юз берди, мусулмон халқларнинг муқаддас қадриятлари таҳқирланди. Шунингдек, миллий байрамлар – Наврўз, диний маросимлар ва ҳатто жанозага бориш ҳам таъйибга олинди.

Бироқ халқимиз бу таъйиқларга чидади, ўз қадриятларидан воз кечмади. 1989-1990 йилларда ўзликнинг тикланиш жараёни бошланди, Наврўз умумхалқ байрами сифатида қайтарилди, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари очик нишонлана бошланди. Бу халқнинг маънавий уйғониши, истиқлол учун руҳий тайёргарлиги эди.

ХАЛҚНИНГ ИРОДАСИ – АСОСИЙ КУЧ

Шу йўлда халқнинг сабр-тоқати, бирлиги ва меҳнатсеварлиги ҳал қилувчи омил бўлди. Халқимиз ҳақида тинимсиз такрорланадиган сўзлар бор: “Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ”.



Дарҳақиқат, мансаб ҳам, шон-шавкат ҳам ўткинчидир. Абдий қоладиган жиҳатлар – халқнинг ўзлиги ва бирлиги.

Мустақиллик йиллари – ҳар бир фуқаро хотирасидан ўчмайдиган, юрт равнақи учун синовлари бисёр, бироқ шарафли даврлар бўлди. Дастлабки йилларда иқтисодий таназзул, ишсизлик, ижтимоий қийинчиликлар ўрин олди. Бироқ давлат раҳбарияти томонидан изчил ислохотлар амалга оширилиб, бозор иқтисодиёти, миллий валютаимиз – тенге жорий этилди, ташқи сиёсатда очик эшиклар сиёсати танланди.

Бир сўз билан айтганда, меҳнатдан бахт яратмишдир халқ. Шу меҳнат ва матонат туфайли юртимизда минг-минг чақирим йўллар, завод ва фабрикалар, замонавий шифохоналар ва таълим муассасалари барпо этилди. Буларнинг барчаси инсон учун, унинг фаровон ҳаёти ва бахти учун амалга оширилганини Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев бот-бот такрорлайди.

ИСТИҚЛОЛ МЕВАСИ – ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ

34 йил мобайнида Қозоғистон барқарор тараққиёт йўлини танлади. Янги пойтахт – Астана қурилиши халқимизнинг орзу-умидлари ва куч-қудрати рамзига айланди. Давлатимиз нуфузли дунёвий ташкилотларда фаол иштирок этмоқда.

Иқтисодиётда нефть-газ, металлургия, қишлоқ хўжалиги соҳалари билан

бирга, IT, “яшил энергия”, транспорт-логистика сингари йўналишларда ҳам улкан ютуқларга эришилди. Миллий маданият, адабиёт ва спорт соҳасидаги муваффақиятлар Қозоғистон номини халқаро майдонда янада сарбаланд этди.

ЎЗЛИК ВА МАЪНАВИЯТНИНГ ТИКЛАНИШИ

Бир замонлар бутун жамиятни ларзага солган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тўфонлар ортда қолди. Улар тарих саҳифаларида такрорланмас сабоққа айланди.

Бугун дунёда ўз сўзи, ўз қиёфасига эга она юртимиз барқарор тараққий этмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз кун сайин обод бўлиб, юксалмоқда. Ёшларимиз соғлом, билимли ва ўз кучига ишонган. Халқимиз эса ўзлигини англаб, жаҳонда ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга интиляпти.

Бугун Қозоғистон тинчлик сиёсати, ядросиз мақоми, халқаро майдондаги обрўси билан танилган.

Янги Қозоғистон катта йўлнинг бошида турибди. Адолатли жамият, кучли иқтисодиёт ва маънавий юксалиш – бугунги куннинг асосий мақсадлари.

Шу йўлда эл билан бирга, халқ билан елкадош бўлиб ҳаракат қилиш ҳар биримиздан масъулият талаб қилади. Чунки “катта йўлга чиқинг – йўлдошинг бўлай, халқим” деган ибора ҳаётий шиоримизга айланган.

А. АБДУФАТТОВ.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – АСОСИЙ ВАЗИФА



Шимкент шаҳридаги “Туркистон” саройида шаҳар таълим муассасалари раҳбарлари, директор ўринбосарлари ҳамда меҳнат хавфсизлигига масъул ходимлар иштирокида меҳнат хавфсизлигини таъминлашга бағишланган йиғилиш ўтди.

Тадбирда ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги “Меҳнатни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти”нинг Шимкент шаҳри ва Туркистон вилояти бўйича филиали директори Фахриддин Қоратоев, ўринбосари Абдулла Ахметов ҳамда Шимкент шаҳри бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш инспекцияси раҳбари ўринбосари Серик Алимановлар иштирок этдилар.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев меҳнат одамининг мақомини ошириш, ишчи касбларининг нуфузини юксалтириш ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашни мамлакат тараққиётининг асосий йўналишларидан бири сифатида таъкидлаб келмоқда. Шу боис таълим муассасаларида меҳнат маданиятини шакллантириш, ёш авлодга хавфсиз меҳнат қўнқималарини ўргатиш ҳамда хавфсизликни сақлаш маданиятини мустаҳкамлаш – бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Маълумки, ҚР Меҳнат кодексининг 182-моддасига мувофиқ, иш берувчилар ва ходимларнинг меҳнат хавфсизлиги ҳамда меҳнатни муҳофазалаш талабларига риоя

этиши – меҳнат муносабатларининг асосий шarti ҳисобланади. Бу талаблар ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ва хавфсиз меҳнат муҳитини яратишга қаратилган.

А. Ахметов меҳнат хавфсизлиги фақат қонун талаби эмас, балки ҳар бир фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига эътибор ва ғамхўрликнинг ифодаси эканлигини таъкидлади. У мазкур талабларни бажариш барчадан юксак масъулият талаб қилишини таъкидлади.

У ўқув жараёнини ташкил этишда меҳнат хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда айниқса, ишлаб чиқариш амалиётидан ўтаётган талабаларга ўз вақтида йўриқнома ўтказиш ва унинг ижросини назорат қилиш муҳимлигини қайд этди.

Йиғилишда ёш авлодни меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга ўргатиш асосий устуворликлардан бири бўлиши зарурлигига аҳамият қаратилди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ҲОКИМ НАЗОРАТИДА

Туркистон шаҳри ҳоқими Азимбек Пазилбекули раислигида ўтган навбатдаги йиғилишда маҳаллий бюджет ижроси тушумлари, режада белгиланган кўрсаткичларнинг ижроси ва интизом масалалари муҳокама қилинди.



№	100	100	100	100	100
10	100	100	100	100	100
15	100	100	100	100	100
20	100	100	100	100	100
25	100	100	100	100	100
30	100	100	100	100	100
35	100	100	100	100	100
40	100	100	100	100	100
45	100	100	100	100	100
50	100	100	100	100	100
55	100	100	100	100	100
60	100	100	100	100	100
65	100	100	100	100	100
70	100	100	100	100	100
75	100	100	100	100	100
80	100	100	100	100	100
85	100	100	100	100	100
90	100	100	100	100	100
95	100	100	100	100	100
100	100	100	100	100	100

Давлат даромадлари бошқармаси раҳбари Шакен Жанбирбаевнинг маълумотларига кўра, 2025 йилнинг январь-август ойларида давлат даромадлари режаси тўлиқ бажарилди. Тадбиркорликка мўлжалланган 685та иншоот қайта баҳоланиб, уларнинг умумий қиймати 16,9 млрд тенгедан 81,9 млрд тенгегача ошган. Бу ҳисобдан маҳаллий бюджетга қўшимча 366,5 млн тенге микдорда мулк солиғи тушиши кутилмоқда.

Шаҳар ҳоқими қарздор корхоналар билан ишни кучайтириш, тўлов жадвалларини ишлаб чиқиш, ҳар икки ҳафтада қарздорлик ҳажминини таҳлил қилиш, POS-терминаллар ва чеклар устидан назоратни кучайтириш юзасидан топшириқлар берди.

Шунингдек, иқтисодиёт ва молия бўлими раҳбари Ўлжас Булегенов режада белгиланган кўрсаткичлар ва ижтимоий лойиҳаларнинг ижроси ҳақида маъруза қилди.

Йиғилиш якунида Азимбек Пазилбеков давлат харидлари ва молиявий интизом масалаларига тўхталди.

– Белгиланган муддатда ва сифатли бажарилмаган ҳар қандай иш – шаҳар ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, интизомни кучайтириш зарур. Бугун берилган барча топшириқларнинг ижроси шахсан менинг назоратимда бўлади.

Туркистон шаҳар ҳоқимининг матбуот хизмати.

»» Бир туман хабарлари

БАРАКАЛИ МЕҲНАТ – ЮРТ КЕЛАЖАГИНИНГ КАФОЛАТИ



Сайрам туман Маданият уйида “Меҳнат кун”-га бағишланган тадбир ўтди. Ундан кўзланган мақсад – меҳнат одамининг жамиятдаги нуфузини ошириш ва уларга муносиб эҳтиром кўрсатиш эди.

Тадбирда сахна кўринишлари намойиш этилиб, меҳнатни тараннум этувчи куй, қўшиқ ва рақслар ижро этилди. Дарҳақиқат, дастурнинг мазмуни меҳнат одамларининг жамият ҳаётидаги муҳим ўрнини ифодалади.

Тадбир якунида туман тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган фуқаролар туман ҳокими, маслаҳати ва “Аманат” партиясининг ташақкурномалари билан тақдирландилар.

“Меҳнат кун”га бағишланган мазкур учрашув ёш авлод учун меҳнатнинг нуфузини ошириш билан бирга, ибрат мактаби ҳам бўлди.

ДУНЁНИ КИТОБ ОРҚАЛИ ЎРГАНАМАН

Қ. Жандарбеков номидаги туман Маданият уйида “Дунёни китоб орқали ўрганаман” вилоят танловининг саралаш босқичи ўтди.

Унда иштирок этган 9 нафар ёш китобхон И. Алтинсарин шеърларини ёддан ўқиш, турли мавзуларда сахна кўринишларини намойиш этиш, “Мен ва кутубхона” мавзуида видео лавҳа тушириш, шу-

нингдек, мантиқий саволларга жавоб бериш каби шартларни бажаришди.

Бош соврин С. Сейфуллин номли мактаб ўқувчиси Мақсут Диярга, 1-ўрин қорамуртлик Улуғбек Анорматовга,

2-ўрин оқсувкентлик Сабина Ниязбек ва қорасувлик Бағим Ибатбекка, 3-ўрин Қурлиқ овул кутубхонаси вакили Еркежан Базарбек ва Низомбод қишлоғидан келган Чарос Абдувалиевага насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга ташақкурнома, совғалар топширилди.



СПОРТЧИНИНГ ЮТУҒИ

Россия Федерациясининг Краснодар шаҳрида эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида уч карра Олимпиада чемпиони Б. Сайтиев хотирасига бағишланган халқаро турнир ўтди.

Мусобақада кўплаб давлатлардан ёш спортчилар қатнашди. Беллашувда иштирок этган “Ақсу кураш санъати спорт клуби” аъзоси Қалдибек Заңгар 80 килограмм вазн тоифасида совринли II ўринни эгаллади.

Ёш спортчига Думан Бердалиев мураббийлик қилмоқда.

З. МҮМИНЖОНОВ.

БОКСДАН ТУРНИР ЎТДИ

Тўлебий туманида боксдан 2008-2009 йилларда туғилган ўсмирлар орасида меҳнат фахрийси А. Даулетбаев хотирасига бағишланган вилоят чемпионати ўтди.

Унда иштирок этган Сайрам тумани вакиллари Алихан Примбетов 75 ва Абилай Талғат 80 кг вазн тоифасида ғолиб бўлдилар. Спортчиларни мусобақага Қуат Примбетов ва Еркин Ҳазалиевлар тайёрлашди.

»» Туркистон шаҳар ЎЭМБ ташаббуси ва ҳомийлигида

УСТОЗЛАР ВА ҚАРИЯЛАР БАЙРАМИ ШАРАФИГА КОНЦЕРТ

Райимжон Қўчқоров раҳбарлик қилаётган Туркистон шаҳар ЎЭМБ-ташкilotчилиги ва ҳомийлигида Бирлик мавзесидаги шаҳар бюджет-ти ҳисобидан янгидан капитал таъмирланган клубда устозлар ва қариялар байрами шарафига ажойиб концерт ташкил этилди.



Таниқли хонандалар Қахрамон Бобохон ўғли, Зебо Абдалимова, клуб раҳбари Майгул Турискелдиевалар ижросидаги қозоқ ва ўзбек тилидаги дилрабо қўшиқлар томошабинларга манзур бўлди. Томошабинлар – шаҳардаги барча умумтаълим мактаблари устозларига ва нафақа ёшидаги ҳурматли қарияларга

кўкрак нишонини гулдурас қарсақлар остида тақди.

– Фаол отахон Тойир Абдувалиевга ташкилий хизматлари учун ташаққуришимиз чексиз. Байрам концерти томошабинларга манзур бўлди. Мустақиллик байрами шарафига айнан шундай тадбир ташкил этилади. Агар санъ-



шаҳар ЎЭМБ ҳомийлигида шаҳар ҳокимлиги, маслаҳати, вилоят ва шаҳар ЎЭМБ ташақкурномалари ҳамда совға ва мукофотлар тақдим этилди. Бирлик мавзеси раҳбари, 50 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетаси ҳомийси Ҳабибулла Маннапов, фахрий отахон Тўлқин Саидмуродов, хонанда Қахрамон Бобохон ўғли кўксига ҳомий Р. Қўчқоров Қозоғистон Ассамблеяси 30 йиллиги шарафига тайёрланган

акторлар шаҳар миқёсида даста тузишса, махсус либос ва мусиқа асбоблари билан таъминлашни мен ўз зиммамга оламан, – деди фаол обуначимиз Р. Қўчқоров.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: ташкилотчилар ва ҳомийлар; байрам концертида хизмат қилган хонандалар.

Муаллиф суратга олган.

»» Чаноққалъа жангига – 110 йил



ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ РАМЗИ

XX асрнинг дастлабки йигирма йили дунё халқлари учун ғўр ва машаққатли давр бўлди. 1914-1918 йиллар орасида ўтган Биринчи жаҳон урушида юз миллионлаб инсонларнинг тақдири ўзгарди, бутун жаҳон харитаси қайта шаклланди. Ана шу урушнинг ҳал қилувчи ва тарихий аҳамиятга эга бўлган жараёнларидан бири – Чаноққалъа жангига 110 йил тўлди



ЧАНОҚҚАЛЪА ҒАЛАБАСИ – ТУРКИЯ ТАРИХИНИНГ ШОНЛИ САҲИФАЛАРИДАНДИР

Биринчи жаҳон урушида Истанбул шаҳрига кўз тиккан Буюк Британия ва Франциянинг ҳарбий денгиз флотлари Чаноққалъа бўғозини денгиз йўли орқали босиб олишга ҳаракат қилади. Мазкур жанг Усмонийлар армияси ва денгиз кучларининг

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

Тўлебий туман марказлаштирилган кутубхонасида қозоқ шоири, “Фузулий” халқро мукофотининг лауреати, серқирра ижод соҳиби Қурал Күмекнинг Чаноққалъа жангининг 110 йиллигига бағишлаб ёзган “Ишонч ғалабаси” китобининг тақдироти ўтди.

Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги доирасида ташкил этилган тадбирда туман “Ёшлар имконият маркази” вакиллари, “AMANAT” партияси “Ёшлар қаноти” ва этномаданият бирлашмалари аъзолари иштирок этди. Тадбирни Ленгер шаҳар фахрийлар кенгаши раиси Ҳардабек Абдиқаймов очди.

– Президентимизнинг дунёнинг энг тараққий этган давлатлари раҳбарлари билан учрашайтгани, халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги музокаралари қалбимизда ғурур ва ифтихор ҳиссини уйғотади. Зеро, ҳозир бутун дунё аҳли Қозоғистон деганда Қасим-Жўмарт Тўқаевни, Тўқаев деганда Қозоғистонни кўз олдида келтиради, – деди у. – Элимизда хотиржам, баҳамжиҳат яшайтган этнос ва элатлар бирдамлигининг узоқ тарихий илдизлари мавжуд. Шунинг учун ушбу тадбирнинг шахримизда ўтказилишида улкан маъно мужассам.

Китобда Туркиянинг Чаноққалъа жангидagi туркий олам учун ҳал қилувчи, муҳим ғалаба шеърый мисраларда баён этилган.



ғалабаси билан якунланади. Ғарб империялари бўғозни денгиз орқали босиб ололмагач, урушни қуруқликда бошлади.

Шу тариқа Чаноққалъа яқинида 1915 йил 19 февралдан 1916 йил 9 январга қадар денгиз ва қуруқликда қуно тун жанг олиб борилади.

Биринчи жаҳон урушида бурилиш ясаган ушбу муҳорабада турк халқи улкан жасорат ва минглаб шахидлар эвазига Чаноққалъа бўғозини сақлаб қолади.

Туркия ушбу ғалабани алоҳида қадрлайди. Миллат зиёлилари Чаноққалъа қахрамонлари ва шахидлари асло унутилмаслигини таъкидлаб келади.

ҚАҲРАМОНЛИК САҲИФАЛАРИ

1915 йил февраль ойда бошланган ҳужумлар катта денгиз қувватлари ёрдамида амалга оширилди. Замонавий қурол-ароғ билан жиҳозланган қўшинлар кичик турк гарнизонига қарши йўлланди. Бироқ Усмонийлар аскарлари, ўз юрти ва исломий қадриятларни ҳимоя қилиш мақсадида, мислсиз жасорат кўрсатди.

Мана шу жангларда Мустафо Камол (кейинчалик Отатурк)нинг исми тарих сахнасига чиқди.

«Адолат учун кураш» рамзи сифатида тарихда қолган жангнинг сабоғи шундаки, ватан учун курашган халқнинг иродаси, бирдамлиги ва жасорати энг кучли ҳарбий технологиялардан ҳам устун келиши мумкин.

Бугунги кунда Чаноққалъа номи нафақат Туркия халқи, балки барча тинчликпарвар халқлар учун руҳий қувват манбаи бўлиб хизмат қилади.

ЧАНОҚҚАЛЪАГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ

Астанада Чаноққалъа жангининг 110 йиллигига бағишланган китоб тақдироти ўтди.

Л. Гумилёв номидаги Евроосиё миллий университетида Туркий академия «Тарихни ўзгартирган жанг – Чаноққалъа 1915» асарининг қозоқ, қирғиз ва ўзбек тилларига таржима қилинган наشريни тақдим этди.

Илмий тадбирда дорилфунун проректори Ардақ Бейсенбай, Туркий академия вице-президенти Асхат Кесикбаев, Қозоғистондаги Туркия Республикаси элчихонаси котиби Фетхи Шахин, шунингдек, Озарбайжон ва Ўзбекистон элчихоналари дипломатлари ҳамда илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланишича, китобда Чаноққалъа жангининг ҳарбий-стратегик жиҳатлари, фронтдаги одамларнинг тақдири, уларнинг қахрамонлиги ва фидойилик намуналари кенг ёритилган. Ушбу мавзу доирасида олимларнинг маърузалари тингланиб, тадбир иштирокчилари фикр алмашдилар.

Турк этномаданият бирлашмаси раиси М. Тойиров тадбирда сўзга чиқиб, тили яқин, дили бир, истаги бир, мақсади бир туркий халқлар ўртасида маданий алоқаларини янада ривожлантириш шу куннинг долзарб масаласи эканлигини айтиб, ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирди.

– Жамиятнинг илғор шоир ва ёзувчилари ҳам тил ўрганиш ва ундан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Улар бир эмас, тўрт-беш тилда ижод қилишларини, жаҳон адабиёти намуналарини бевосита таржима қилиш имконига эга бўлиши, этнослар, қадрият ва анъаналарини маҳорат билан дунё тилларига ўгириб, маданиятимиз ва адабиётимизнинг ноёб қирраларини дунёга танитишларини истардим – дея таъкиф киритди у.

Ижодий учрашув давомида унинг иштирокчилари туманнинг диққатга сазовор, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишди.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

»» Обуначиларимиз орасида

ЭСКИ ИҚОН ҚИШЛОҒИДАГИ МУШТАРИЙЛАРИМИЗ ҲУЗУРИДА



Эски Иқоннинг фахрий ва фаол ота-хони, ҚРда хизмат кўрсатган маданият арбоби, фахрий академик Ирискул Аббосов ҳамроҳлигида қишлоқ ҳокимлиги, мактабларга ташриф буюрдик.

Дилшод Саидов раҳбарлик қилаётган Эски Иқон қишлоқ округи ҳокимлиги жамоаси 20 нусха “Жанубий Қозғистон” газетаси обунасини тажрибали мутахассис Умсиной Маннапова саъй-ҳаракатлари билан ташкил этади. Қишлоқ ҳокими ўринбосари Абдусаттор Расуловга келаси



ярим йилликка обунага даъват мактубини тақдим этиб, суҳбатда бўлдим. Пахтакор деҳқонлар учун қийинчиликка айланган сугормали сув муаммосини ҳал қилишда “ПУИД-2” халқаро лойиҳаси асосида Эски Иқондаги 10 минг гектар экинзорни шўрланишдан сақловчи тадбирлар доирасида теранлиги 30 метр келадиган 70та скважина қудуқлари қазилиб, ишга туширилганлиги 2000 гектар майдонда



сув танқислигини ҳал қилиш имконини берди. Давлат дастури асосида халқаро молия ташкилотлари томонидан жуда катта маблағ сарфланган ушбу лойиҳа ҳужжатлари қишлоқнинг собиқ ҳокими Дониш Маннотов ишлаган йиллари тайёрланиб, мутасадди идораларга ўтказилганлиги шонли тарих.

»» Маданий ҳаёт

Шимкент шаҳар ўзбек драма театри жамоаси забардаст адиб, драматург Дулат Исабековнинг “Қушлар фестивали” асарини томошабинлар эътиборига ҳавола қилди. Асарни режиссёр Жавлон Саидов саҳналаштирди.

Асосий қаҳрамонлар Бургут (Эрали Тўламетов), Тўти (Васила Абдурахмонова), Зағизхон (Зокиржон Шайлонов), Товус (Айдин Сиримова), Хўроз (Шерзод Ходиметов), Қарғалар (Ахмадвой Эргешов, Фарҳод Мансуров, Шермуҳаммад Салохитдинов), Бойўғли (Улуғбек Носиров), Товуқлар (Клара Шодибекова, Дилфуза Иброҳимжоннова, Дилдора Раҳмоншиқова), Бедана (Дилдора Ҳолметова), Чумчуқ (Сайфиддин Усмонов), Булбул (Лобар Зоҳидова), Туяқуш (Шоҳиста Усмонова), Ғоз (Ақбар Эрхонов) каби паррандалар тимсолида намоён этилиб, жамият воқелигини тасвирлашади.

Спектаклнинг мазмунига қў-

Ҳаётини маориф соҳасига бахшида этган тажрибали устоз Зокиржон Саидов раҳбарлик қилаётган Собир Раҳимов номи мактаб жамоаси ўтган ўқув йилида ушбу ўқув даргоҳини тамомлаган битирувчиларнинг 22 нафари давлат гранти асосида олий ўқув юр்தларида таҳсил олаётганлиги билан ҳақли равишда фахрланади. Директор Зокиржон Саидов келаси ярим йиллик обунасига мактаб жамоаси 50 нусха ҳисса билан улуш қўшадиганлигини ишонч билан таъкидлади.

Алия Мўлдағулова номи мактаб раҳбари Фахриддин Нурметов устозлар жамоаси келаси йили 35 ёшга тўладиган наشريмиз обунасига ҳозирги 50 нусхалик улушни давом эттирадиганлигини кутуб-



хона мудираси билан бамаслаҳат ҳолда маълум қилди. Мактаб эришган ютуқлари ҳақида алоҳида мақола тайёрланадиган бўлди.

Эски Иқон қишлоғида Саврон тумани маслаҳати депутати, янги иқонлик маърифатпарвар тадбиркор Дилмуҳаммад Ирисбоев бунёд этган янги мактаб кутубхона мудираси Ойсултон Абдуқодирова устоз ва ўқувчилар учун бир неча ой ичида 7 мингдан зиёд бадиий-адабий китобларни тўплашга муваффақ бўлган фидойи фаолларимиздан. Шу хайрли ишга ҳисса қўшган барча ҳамқишлоқлари, хусусан, табарруқ 90 ёш арафасидаги собиқ устоз – шоир Айниддин Абубакировага олқиши мўл. Тожимурод Саидов раҳбарлик қилаётган ушбу мактаб жамоаси 30 нусха обунага масъул.

Фаол обуначимиз, вилоят маслаҳати-

нинг собиқ депутати марҳум Муталлиб Йўлдошев саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган хунар таълимидаги кўп соҳали коллежнинг тажрибали ва фаол кутубхоначиси Элзода Субатова устозлар жамоаси қўллови билан 50 нусхалик кўрсаткични келаси ярим йилликда ҳам давом эттиришига ишончимиз комил. Фидойи фаолларимиздан бўлган Э. Субатовани жорий йили таваллудига 180 йил тўладиган адиб, Алишер Навоийни устозим деб эъзозлаган буюк Абай Қўнанбаев ижодида бағишланган кўргазма ёнида тасвирга олдим. Бу тадбирлар ҳақида ҳам газетамизда мақолалар эълон қилинади.

Тадбиркор маърифатпарвар Отабек Муталлиб ўғли бунёд этган “Иқон” мактаб-гимназияси директори Дилбар Маматрайим кизи ўринбосарлари – Жасур Эргешов, Хирмонбек Йўлдошев, Дана Дарханова ва ҳамшира Гулвера Саидовалар билан йиғилиш ўтказётган экан. Обуна ҳақида суҳбатлашиб, ҳужжатларни тақдим этдим. Директорнинг тавсия қарори билан ушбу жамоа 20 нусхалик кўрсаткични келаси йили давом эттирадиган бўлди.



Фаол обуначимиз, пешқадам 100 мактаб сафидаги 1-сонли мактаб директори Ҳамида Чолдонова бoshқарган жамоа ҳақида газетамизнинг келаси саҳифаларида мақола эълон қилинади. Ушбу жамоа келаси ярим йилликда маъмурият саъй-ҳаракатлари билан 50 нусхалик кўрсаткични давом эттиришига ишончимиз комил.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Эски Иқондаги эътиқодли раҳбар – муштарийларимиз.

Муаллиф тасвирлари.



Р.С. Устоз – отангдек улуг. Барча касб соҳиблари устозлар таълим-тарбияси билан камол топади. Қозғистондаги анъанавий устозлар байрами билан барча қадрли муштарийларимизни, заҳматкаш ўқитувчиларни муборакбод этиб, мустаҳкам саломатлик, саодат ва ёш авлод камолоти йўлида янги зафарлар тилаймиз.

»» Заковатли миллат

ЯНГИ МАКТАБГА – ЯНГИ КИТОБЛАР

Шимкент шаҳридаги Абай истироҳат боғида ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти ташкилотчилигида ўтган халқаро анжуманга Қўрбонбой Ирисбеков раҳбарлигидаги Саврон тумани ўЗМБ делегацияси таркибиде иштирок этдим. Кўп таассуротлар олдим.



Бахтли тасодиф туфайли “Ватандошлар” ташкилоти ҳомийлигида тарқатилган ўзбек тилидаги бадиий адабиётларни қишлоғимиздаги китобхонлар учун олишга муяссар бўлдим. Лотин алифбосидаги нодир бадиий китобларни қишлоғимиздаги Ўсар Арабхон ўғли раҳбарлик қилаётган “Дарын-КЗ-1” мактаби кутубхонасига топширдим. Навбати билан Янги Иқондаги барча бешта умумтаълим мактаблари кутубхоналарини ўзбек тилидаги бадиий адабий китоблар билан таъмин этаман. Янги китобларни ҳам-қишлоқларим кутубхона орқали қанча кўп ўқишса, шунчалик нур устига нур.

Ўсар НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
Саврон тумани, Янги Иқон қишлоғи ўЗМБ раиси,
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

Тасвирда: китобларни тақдим этиш чоғи.

УМРНИНГ ОЛМОС МАВЖЛАРИ



Таниқли ижодкор, Сайрам туманидаги “Оқбой” мактаби ўқитувчиси Гулнора Бозорбоева ҳамкасби Наталья Муриенко билан ҳамкорликда қадрдон устози, “ҚР Таълим аълочиси”, Қорасув қишлоғидаги “Мартўбе” мактабиде 40 йилдан зиёд фаолият юритган Галина Малаховага бағишлаб “Школьная мама моя!” китобини ёзиши ва у яқинда нашрдан чиқди.

Шогирдларнинг қалб эҳтироми жамланган китобнинг тақдими ўқитувчилар куни арафасида Оқсувкент қишлоғидаги тамаддиҳонада ўтди.

Шу кунгача Г. Бозорбоеванинг “Души открытый размах”, “Пронзая вечность” шеърй тўпламлари, “Ақбай на карте Казахстана” тарихий китоби нашр қилинган.

Тадбирда туман славян этномаданият бирлашмаси раисаси Маргарита Сапаева, “Пульс Сайрама” газетаси муҳаррири Фариде Гибадулина, Қозғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Абдурахим Пратов, Зокиржон Мўминжонов, Суннатилла Ақромов, Соатой Камолова шунингдек, Гулнора Мирпўлат қизининг касбдошлари, “Мартўбе” мактаби ўқитувчилари сўз олиб, олий тоифали педагог ва талантли шоиранинг ижодий фаолиятини юксак баҳоладилар.

З. МЎМИНЖОНОВ.

»» Топиб, ўқинг!

ШОИРНИНГ «ҲИКМАТ ДУНЁ»СИ

Жорий йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолигига қабул қилинган ҳамюртимиз Иброҳим Туркийнинг номи адабиёт мухлислари-га яхши таниш.

Дарҳақиқат, шу кунгача унинг йигирмадан зиёд назмий ва насрий китоблари чоп этилган эди. Яқинда шоирнинг “Ҳикмат дунё” деб номланган янги китоби нашрдан чиқди. Дарҳақиқат, И. Туркий ижодининг асосий мазмунини ҳикматлар, панд-насиҳатлар ташкил қилади. Бу ҳақида шоирнинг ўзи бир тўртлигида шундай деб ёзади:

Бу дунё Тангридан буюк бир ҳиммат,
Ҳимматга беланмиш неча минг неъмат.
Кичик бир гивҳдан куёша қадар,
Қисматдир, ҳикматдир, ҳамдаким ибрат.

Китобда жамланган муаллиф ҳақида таниқли адабиётшунослар, жамоат арбоблари ва китобхонларнинг фикрлари ҳам эътиборга молик. Масалан, туркиялик таниқли профессор Сабри Хизматли: “Иброҳим Туркийнинг тарихимизни ёритишдек ижодий фаолияти туркийлар бирлигини мустаҳкамлашда ўз самарасини бераётганига шубҳа йўқ”, деб қайд этади.

Сермахсул ижодкорга мустаҳкам соғлиқ ва ижодий парвозлар тилаб қоламиз!

З. МЎМИНЖОНОВ.



САҲНАДА – “ҚУШЛАР ФЕСТИВАЛИ”



ра, қушлар ўртасида қўшиқ фестивали ташкил этилади. Ҳакамлар ҳайъатига Бургут раислик қилади. Аъзолари – Бойўғли, Тўти ва Ғоз. Қушлар ўртасида ғолибликни кўлга киритиш учун кураш бошланади. Айниқса, Қарғалар хушовоз

Булбулнинг иштирок этишига тўсқинлик қилишади. Лекин унга Чумчуқ ва Бедана ёрдам беради ва Булбул танловда олий ўринга эга бўлади. Бу воқеалар орқали бугунги куннинг манзараси очилиб, маданиятнинг та-наззулга учраганлиги кўринади.

Режиссёр Жавлон Саидовнинг таъкидлашича, спектакль икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда фестивалгача бўлган жараён, иккинчи қисмда эса шоу-дастур намоиш этилади. Шунингдек, асарда айрим қуш образлари актёрлар характериға мослаб ўзгантирилган, маҳаллий воқеалар ҳам қўшилган.

Премьера томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Бу саҳна асари жамиятни ўлантирадиган муҳим ижтимоий-ахлоқий даъват сифатида ҳам эътиборга молик бўлди.

М. УСМОНОВА.

Тасвирларда: спектаклдан лавҳалар.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВ.	Масъул шахслар: <i>Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.</i> <i>Қазигурт – Хуршид КЎЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.</i> <i>Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90</i> <i>Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.</i> <i>Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97</i> <i>Келес, Сарйогон – Малика ЭЛТОВА. +7702-841-78-82</i> <i>Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.</i>	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги. ● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиши учун муаллифлар, режиссёр ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фодаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VRY00022503 уювчоҳнома берилган. “ERNUR.ring” МЧБ бошмақоҳнасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алишқов кўчаси, 22.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05 <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i> Нашр кўрсаткичи – 654466. Адади – 10500 нусха. Бўғорчма 2336. Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОВА.
Баш муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазжон БЎРОНБОВ.	Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	Қозғистон Республикасида тарқатилади.	